

Бугун мамлакатимиз тижорат банклари томонидан миллий ҳамда чет эл валютасида чекланмаган миқдорда ва муддатларда 250 дан ортиқ омонат турлари аҳолига тақриф этилмоқда. 2014 йилда тижорат банкларига аҳоли омонатлари ҳажми 2013 йилга нисбатан 30,8 фоизга ошди.
(4, 9-бетларда ўқинг).



Банк карталаридан фойдаланиш бўйича чакана тўлов тизимининг ривожини.....5

Ўзбекистон суғурта бозори: 2014 йил якунлари.....10

БАНК АЖБОРОТНОМАНИ

Банк ходимлари, ишбилармонлар ва тадбиркорларнинг ҳафталик газетаси

ISSN 2010-6602

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 6 (977), 2015 йил 11 февраль

www.banknews.uz

САМАРАЛИ МЕҲНАТ УЧУН МУНОСИБ РАҒБАТ

Жорий йилнинг 7 февраль куни аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича республикада тижорат банклари ўртасида ҳар йили анъанавий тарзда ташкил этиб келинаётган танловнинг 2014 йил якунларига кўра голибларини тантанали тақдирлаш маросими ўтказилди.

Тадбир ташкилий кўмита раиси – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф. Муллажонов бошчилигида Ўзбекистон банклари Ассоциациясида бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон банклари Ассоциацияси, Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди ва тижорат банкларининг раҳбарлари ҳамда мутахассислари иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, бу йилги танловда жами 26 та тижорат банкининг 846 филиали, 4 200 мини-банк ҳамда махсус кассалари иштирок этди.

Маълумки, танлов мамлакатимиз Президентининг 2008 йил 31 октябрдаги «Аҳолининг омонатларини

«Банк тизимидаги ислохотлар иқтисодий тизимининг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда энг муҳим омил бўлди»¹.

Ислон КАРИМОВ

жалб қилиш бўйича республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ ҳар йили ташкил этилиб, бу орқали банкларнинг аҳоли омонатларини жалб қилиш борасидаги фаолияти янада жадаллашишига, банк хизматлари сифатининг

ошиши ва турлари кенгайишига, жисмоний шахсларнинг талаб ва истакларини инobatга олган ҳолда янги омонат турларининг жорий этилиши ва кўпайишига эришилмоқда.

Шунингдек, мазкур танлов аҳолининг бўш пул маблағларини банклардаги омонат-

ларга жалб қилишда тижорат банкларини рағбатлантириш, банкларнинг инвестицион имкониятларини янада кенгайтириш учун ресурс базаларини мустаҳкамлаш, омонатларни жалб этишда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ҳамда бу соҳада илғор халқаро тажрибани кенг жорий этишга хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, жисмоний шахсларнинг омонат ҳисобварақларига қўйилган маблағлари барча турдаги солиқлардан озод этилган бўлиб, уларнинг манбалари декларация қилинмайди ҳамда ушбу маблағларни омонатчилар чекловларсиз тасарруф этадилар.

(Давоми 4-бетда).

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан.



«Кексаларни эъзозлаш йили»га бағишланган омонатлар

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан миллий валютада янги муддатли омонатлар амалга киритилди.

Муассаса омонатларининг ҳар иккиси ҳам маълум мақсадга қаратилган бўлиб, уларнинг бири жорий «Кексаларни эъзозлаш йили» муносабати билан ишлаб чиқилган бўлса, иккинчиси қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши учун берилган кредитнинг фоизини қоплашга йўналтирилган.

«Эъзоз». Мазкур омонат эллик ва ундан катта ёшдаги кишилар учун мўлжалланган, унинг сақланиш муддати бир йил. Депозит бўйича ҳисобланган фоизлар ҳар чорак якунида ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади. Бунда талаб қилиб олинмаган фоизлар капитализациясиз тўланади. Мижоз хоҳишига кўра, омонат муддати тугагандан сўнг уни кейинги муддатга узайтириш мумкин (лекин бу муддат 3 йилдан ошмаслиги керак). Ҳар бир кўшимча узай-

тирилган йил учун эса, йиллик устама бир фоиз миқдорда берилади. Депозитга кўшимча бадаллар қабул қилинади.

Банкнинг намунали уй-жойлар қурилишига оид ипотека кредитининг фоизини сўндиришга қаратилган омонати ўзига хос тарзда «Ҳисобли» деб номланди. Мазкур депозитнинг сақланиш муддати 5 йил, бошланғич бадал миқдори 10,0 млн. сўм, унга кўшимча бадаллар фақат нақд пул кўринишида қабул қилинади.

«Ҳисобли» бўйича ҳисобланган фоизлар омонат тартибига кўра, ҳар ойда жисмоний шахснинг ипотека кредити фоизини тўлашга йўналтирилади.

Омонатга маблағлар 2015 йилнинг 5 февралидан 1 октябрга қадар қабул қилинади.

Юлдуз ЗОКИРОВА.

Ўзбекистон лизинг бозори: 2014 йил сарҳисоби

Тошкентда Ўзбекистон лизинг берувчилар Ассоциациясининг 2014 йилдаги фаолияти якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, лизинг, суғурта компаниялари, тижорат банклари раҳбарлари, мутахассислар иштирок этди.

Иқтисодий тармоқларига замонавий технологияларни жалб қилиш ва корхоналарнинг техник таъминотини модернизациялашда лизинг хизматлари муҳим роль ўйнайди. Шу боис, бугунги кунда мамлакатимизда бошқа соҳалар қатори ушбу тизимни ривожлантиришга, хусусан, лизинг фаолиятига оид ҳуқуқий базани такомиллаштириш, лизинг ресурсларини шакллантириш ва кўшимча молиявий манбаларни жалб этишга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 21 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида лизинг хизматларини янада ривожлантириш ва тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 143-сонли қарори, Ўзбекистон Республикасининг «Гаров реестри тўғрисида»ги Қонуни ушбу тизимни янада ривожлантириш, лизинг берувчиларнинг географик фаолиятини кенгайтириш, молия бозорида хизмат кўрсатишнинг ушбу тури бўйича рақобатбардошликни оширишга хизмат қилмоқда.

(Давоми 5-бетда).

DOLZARB MAVZU

Устувор вазифалар таҳлили

«Пойтахт» бизнес марказида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Марказий Кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.



Тадбирда Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида белгиланган вазифаларга эътибор қаратилиб, бу борада амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Шу билан бирга, йиғилиш кун тартибиде Палатанинг 2014 йилги фаолияти сарҳисоб қилиниб, жорий «Кексаларни эъозлаш йили»да амалга оширилиши режалаштирилаётган ишлар таҳлил этилди.

– 2014 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди, – дейди Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов. – Хусусан, тадбиркорлик субъектлари учун ишбилармонлик муҳитини, бизнесни юритиш шароитларини баҳолаш, рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш, кредит-молия ресурсларидан

фойдаланиш масалалари юзасидан консалтинг хизматлари кучайтирилди. Жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда «Тадбиркорлар кун»и мунтазам ташкил қилинмоқда. 2014 йилда бундай тадбирларда 100 мингдан зиёд тадбиркорлик субъекти иштирок этиб, 14 мингдан ортиқ мурожаат қабул қилинди. 2014 йилда республикаимиз миқёсида амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти акс этган, ёшлар эътиборини тортиб, улар манфаатларига хизмат қилаётган «Менинг бизнес ғоям», «Ёш тадбиркор – юртга мададкор», «Ёш тадбиркор – келажакка пойдевор» лойиҳаларининг аҳамияти янада ортди. Тижорат банклари билан ҳамкорликдаги ушбу лойиҳа доирасида юқори натижаларга эришилди.

Шунингдек, йиғилишда мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини шакллантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлаётган қатор қонун ва қонуности ҳужжатлар мазмунига кенгроқ тўхталинди. Уларни амалда татбиқ этишда палатанинг ҳаракат дастури ҳавола

қилинди. Йил давомида тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолият, солиқ, божхона ва банк тизими доирасидаги билим ва кўникмаларини ошириш юзасидан 1 498 та семинар, 124 та анжуман ва 232 та давра суҳбати ўтказилганлиги, техник ҳамкорлик дастури доирасида бизнесни юритиш бўйича 80 нафар тадбиркор Германия, Малайзия, Корея, Хитой, Италия, Исроил каби давлатларда таҳсил олганлиги маълум қилинди.

Тадбирда тадбиркорликка кенг эркинлик бериш ва уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, соҳанинг иқтисодиётдаги ролини ошириш, экспортга кўмаклашаш, инвестиция жалб қилиш ҳамда саноат корхоналарини модернизациялаш бўйича Палата томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар таҳлили баён этилди.

Йиғилиш сўнгида Савдо-саноат палатасининг 2015 йилда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва товарлар экспортини кучайтириш, шунингдек, «бир дарча» тамойили бўйича хизмат кўрсатиш ҳажмини кенгайтириш ва электрон тижоратни ривожлантириш, шунингдек, тадбиркорликнинг турли йўналишлари бўйича корхона ва ташкилотларда халқаро ISO стандарти ҳамда «Кайдзен» тизимини амалиётга жорий этиш бўйича устувор вазифалар белгилаб олинди.

Ширин БАЙСЕНОВА.

Минтақа саноатининг ривожини йўлида

Мамлакатимиз чекка ҳудудларида тадбиркорлик, ҳунармандчилик ва қишлоқ хўжалиги каби турли соҳаларда фаолият юритувчи субъектларни тижорат банклари томонидан молиявий қўллаб-қувватланаётгани юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар шубҳасиз ижтимоий аҳамиятга молик чора-тадбирлар сирасидан эканлигининг яққол далилидир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда аҳоли даромадларини ошириш ҳамда фаровонлигини юксалтириш, мулкдорлар ўрта синфининг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш масалаларига давлатимиз томонидан алоҳида эътибор билан қаралмоқда.

Бу каби имконият ва имтиёزلардан фойдаланаётган тадбиркорлик субъектларининг улуши Қашқадарё вилояти иқтисодиётида ҳам тора ортиб бормоқда. Мазкур вилоятда озиқ-овқат

ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда қурилиш ва пардозлаш материалларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, кенгайтириш ва модернизациялаш бўйича бир неча лойиҳалар амалга оширилган бўлса, янги саноат қувватларини яратиш, мавжудларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, минерал-ҳомашё ресурсларига янада чуқур ишлов бериб, юқори қўшилган қийматга эга рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича 555 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Вилоятнинг барча шаҳар ва туманларини қамраб олувчи бу каби лойиҳаларнинг бир нечаси «Асака» банкнинг молиявий

қўмаги асосида амалга оширилмоқда. Буни вилоятнинг саноат салоҳиятини ошириш дастури доирасида дастлабки умумий қиймати 30 млн. АҚШ долларида зиёдни ташкил этувчи йигирмадан зиёд истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш мақсад қилинганда кўришимиз мумкин.

– «Асака» банкнинг кредит маҳсулотларидан фойдаланиб, замонавий ускуна ва хомашё сотиб олдик ва қисқа муддат

2014 йилда корхона томонидан қарийб 1,5 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва истеъмолчиларга етказиб берилди. Шунингдек, корхонада кўшимча 30 нафар маҳаллий аҳоли вакиллари учун янги иш ўринлари яратилди.

ишида юқори сифатли, нархи ҳам ҳамёнбоп тикув маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик, – дейди Чироқчи туманидаги «Чевар тикувчи-лар» МЧЖ раҳбари Сожида Шодиева. – 2014 йилда корхона томонидан қарийб 1,5 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва истеъмолчиларга етказиб берилди. Шунингдек, корхонада кўшимча 30 нафар маҳаллий аҳоли вакиллари учун янги иш ўринлари яратилди. Қувонарлиси, уларнинг кўпчилигини касб-ҳунар коллежларининг битирувчи ёшлари ташкил этади. Жорий йилда ҳам корхонамиз бундан юксак натижаларга эришишни мақсад қилган.

Рашид МИРЗАКАРИМОВ.

«Ипотека-банк»нинг истеъмол кредитлари

аҳоли фаровонлигини юксалтиришда алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда



Мамлакатимизда аҳоли даромадларининг ўсиши истеъмол кредитларига бўлган талабни янада оширмоқда. Бу йўлда эса, самарали кредитлаш тизими ишлаб чиқилган. Унга мувофиқ, тижорат банклари томонидан ёш оилаларга узоқ муддат фойдаланиладиган, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган истеъмол маҳсулотларини харид қилиш учун энг кам иш ҳақининг икки юз баробари миқдоридан уч йил муддатгача бўлган кредитлар тақдим этилмоқда.

– Бугунги кунда ёш оилалар фаровонлигини ошириш учун яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиш мақсадида фарзандларим билан

«Ипотека-банк»ка мурожаат этдик ва кредит маҳсулотидан фойдаландик, – дейди пойтахтимизнинг Миробод туманида яшовчи Саида Мухторова. – Уч йил муддатда қайтариш шarti билан берилаётган истеъмол кредити эвазига юртимизда ишлаб чиқарилган сифати юқори, нархи эса нисбатан арзон совутгич ва газ плитасига эга бўлдик.

Дарҳақиқат, «Ипотека-банк» АТИБ томонидан 2014 йилда етти минг оиланинг истеъмол кредитига оид мурожаатлари қаноатлантирилди. Тақдим этилган 46,1 млрд. сўм миқдоридан кредит хизматлари эвазига кўплаб оилалар ўзлари учун

керакли бўлган турли уй жиҳозлари ва техника воситаларига эга бўлди. Бу кўрсаткич 2013 йилга нисбатан қарийб 6 млрд. сўмга кўп демақдир. Шунингдек, мингдан ортиқ ёш оилаларга ҳам имтиёзли шартлар асосида сармоялар ажратилди.

– Банкларнинг имтиёзли сармоялари эвазига ўз бизнесини йўлга қўйиб, ютуқларга эришяётган, оилавий шароитини яхшилаб олаётган юртдошларимни ойнаи жаҳон орқали кўриб, ҳавасим келарди, – дейди тошкентлик Барно Жўраева. – Шу боис, мен ҳам юртимизда ишлаб чиқарилаётган замонавий телевизор харид қилиш мақсадида «Ипотека-банк»нинг молиявий хизматидан фойдаланишга қарор қилдим. Кредитни олиш жараёнидаги расмийлаштириш ишлари учун кўп вақт кетгани йўқ. Бунда тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати анча соддалаштирилгани ва банк ходимларининг тезкорлиги қўл келди. Банк томонидан берилган кредитни қайтариш учун ҳар ойда 115 минг сўм миқдоридан маблағни иш жойимдан тўғридан-тўғри банк ҳисобига ўтказиб бораётганим мен учун қулайлик яратмоқда.

Бир сўз билан айтганда, «Ипотека-банк» томонидан миҳозларга сифатли молиявий хизматлар кўрсатилаётгани, юртимиз аҳолисининг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Ёрқин ОЧИЛОВ.

Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида
2015 йил 14 январь куни 2014-8-сон билан
давлат рўйхатидан ўтказилди.**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги ва «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 15 августдаги 23/3-сон

**Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки раиси**
Тошкент ш.,
2014 йил 27 декабрь,
46/2-сон

қарори (рўйхат рақами 2014, 2009 йил 8 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 41-сон, 447-модда) билан тасдиқланган Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги Низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

*Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг
2014 йил 27 декабрдаги
46/2-сонли қарорига
ИЛОВА*

Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги Низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 17-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:
«17. Мазкур ҳаракатлар муассислар томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунлари ҳамда акциядорлик жамиятлари фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.»

2. 19-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:
«19. Банк уставида куйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

банкнинг тўлиқ ва қисқартирилган номи ҳамда унинг жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;

банк операцияларининг рўйхати, мақсади ва фаолият муддати;

устав капиталининг миқдори, муассислар рўйхати, устав капиталдаги улушларнинг тақсимланиши;

устав капиталини кўпайтириш ёки камайтириш тартиби;

чиқарилаётган акциялар турлари ва сони, уларнинг номинал қиймати, ҳар хил турдаги акцияларнинг нисбати;

соф фойда ва дивидендларни тақсимлаш

ҳамда зарарларни қоплаш тартиби;

захира фондини ва бошқа фондларни ташкил этиш тартиби;

банк акциядорларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

банкнинг бошқарув органлари тузилмаси, уларни ташкил этиш тартиби, банк кенгаши, тафтиш комиссияси ва ижроия органи аъзоларининг сони, ваколатлари ҳамда вазифалари ҳақидаги маълумотлар;

йиллик ҳисоботларни тузиш, текшириш ва тасдиқлаш тартиби;

банк аудити, шу жумладан, бухгалтерия ҳисобининг халқаро андозаларига мувофиқ белгиланган ҳисоботлар ва аудиторлик дастурларининг мақсадлари;

банкни қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби;

банк томонидан акцияларни жойлаштириш тартиби ва шартлари.

Банк уставида қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа қоидалар ҳам кўрсатилиши мумкин.

Банк акциядорнинг ёки ҳар қандай манфаатдор шахснинг талабига кўра уч иш куни ичида банкнинг устави, шу жумладан, уставга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан танишиб чиқиш имкониятини бериши шарт. Банк акциядорнинг

талабига кўра унга банк уставининг кўчирма нусхасини бериши шарт.».

3. 32-банддан «мутлақ» деган сўз чиқариб ташлансин.

4. 33-бандда:

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Овоз берувчи акцияларнинг эгаси бўлган акциядорлар сони ўттиз кишидан кам бўлган акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилган банкларда кузатув кенгаши вазифаси банк уставининг билан акциядорларнинг умумий йиғилиши зиммасига юкланиши мумкин.»;

иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Акциядорлари сони 500 тагача бўлган акциядорлик жамияти шаклидаги банкларнинг Кенгаши таркиби камида беш аъзодан, акциядорлари сони 501 тадан 1000 тагача бўлган банкларда камида етти аъзодан ва акциядорлари сони 1000 тадан ортиқ бўлган банкларда камида тўққиз аъзодан иборат бўлиши лозим.».

5. 34-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

6. 41-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«41. Банклар ва уларнинг филиаллари биноларининг муҳофазаси таъминланганлиги ҳамда муҳандис-техник кўриқлаш воситалари билан жиҳозланганлиги, дастурий маҳсулотларнинг тайёрлиги юзасидан хулоса бериш Вазирлар Маҳка-

масининг 2014 йил 10 мартдаги 56-сон қарори билан тасдиқланган Бинонинг Марказий банк талабларига мувофиқлиги, асбоб-ускуналар, касса узелининг тайёрлиги ва дастурий-техник воситалар билан жиҳозланганлиги тўғрисида хулоса бериш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ амалга оширилади.».

7. 52-банднинг биринчи хатбошиси ва 62-банддаги «ИВСА» деган сўз «Fitch Ratings» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 57-бандда:

учинчи хатбошидаги «ИВСА» деган сўз «Fitch Ratings» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбоши «иқтисодий» деган сўздан кейин «ва сиёсий» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

9. 58-банддан ўн иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

10. 109-банднинг иккинчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Банклар томонидан чет элда ўз филиаллари, ваколатхоналари ва шўъба банкларини очиш ҳамда банкларни ташкил этишда қатнашиш учун Марказий банкнинг рухсатномасини олиш Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 мартдаги 56-сонли қарори билан тасдиқланган Банк фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ амалга оширилади.».

11. 115-банддан «маъқуллаш учун» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ Қ А Р О Р И

Кредит бюросининг ижро органи раҳбари лавозимига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги Низомнинг 6-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида

2015 йил 8 январь куни 2315-1-сон билан

давлат рўйхатидан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва 2012 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-345-сонли «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2011 йил 10 декабрдаги 37/10-сонли қарори (рўйхат рақами 2315, 2012 йил 19 январь)

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 3-4-сон, 31-модда) билан тасдиқланган Кредит бюросининг ижро органи раҳбари лавозимига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги Низомнинг 6-банди иккинчи хатбошисидан «кредит уюшмалари,» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки раиси
Тошкент ш.,
2014 йил 27 декабрь,
46/3-сон

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

E'TIROF

САМАРАЛИ МЕҲНАТ УЧУН МУНОСИБ РАҒБАТ

АСОСИЙ НОМИНАЦИЯЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ ГОЛИБЛАРИ:

«Аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши банки» номинациясида:

Биринчи ўрин – «Асака» давлат акциядорлик-тижорат банки;
Иккинчи ўрин – Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки;
Учинчи ўрин – «Ипотека-банк» акциядорлик-тижорат ипотека банки.

«Шаҳарларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши филиали» номинациясида:

Биринчи ўрин – «Агробанк»нинг Самарқанд вилоят бошқармаси ҳудудий филиали;
Иккинчи ўрин – «Алоқабанк»нинг Хоразм филиали;
Учинчи ўрин – «Трастбанк»нинг Амалиёт бошқармаси.

«Қишлоқ жойларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши филиали» номинациясида:

Биринчи ўрин – «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Хоразм вилояти Хонқа филиали;
Иккинчи ўрин – ЎзР ТИФ Миллий банкининг Қашқадарё вилояти Муборак филиали;
Учинчи ўрин – «Асака» банкнинг Фарғона вилояти Олтиариқ филиали.

«Пластик карточкалар асосида иш ҳақи лойиҳаларини амалиётга жорий этиш бўйича энг яхши банк филиали» номинациясида:

Биринчи ўрин – «Ипотека-банк»нинг Тошкент шаҳар филиали Амалиёт бошқармаси;
Иккинчи ўрин – «Ипак йўли» банкнинг Амалиёт бошқармаси;
Учинчи ўрин – «Invest Finance Bank»нинг Амалиёт бошқармаси.

«Шаҳарларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши мини-банки» номинациясида:

Биринчи ўрин – «Микрокредитбанк»нинг Келес филиали «Чоштепа» мини-банки;
Иккинчи ўрин – «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Тошкент шаҳар Ал-Хоразмий филиали «Карвон» мини-банки;
Учинчи ўрин – «Савдогар» банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси Тўртқўл филиали «Нукус» мини-банки.

«Қишлоқ жойларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши мини-банки» номинациясида:

Биринчи ўрин – «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Сурхондарё минтақавий филиали «Бойсун» мини-банки;
Иккинчи ўрин – «Микрокредитбанк»нинг Навоий вилояти Кармана филиали «Хазора» мини-банки;
Учинчи ўрин – Халқ банкининг Бухоро вилояти Шофиркон филиали «Мохи тобон ревағари» мини-банки.

«Шаҳарларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши жамғарма/махсус кассаси» номинациясида:

Биринчи ўрин – «Трастбанк»нинг Амалиёт бошқармасига қарашли 1-сонли жамғарма кассаси;
Иккинчи ўрин – Халқ банкининг Тошкент шаҳар филиали Амалиёт бўлимига қарашли 1-сонли жамғарма кассаси;
Учинчи ўрин – «Ипотека-банк»нинг Сирдарё филиалига қарашли 1-сонли жамғарма кассаси.

«Қишлоқ жойларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши жамғарма/махсус кассаси» номинациясида:

Биринчи ўрин – Халқ банкининг Жиззах вилояти Зомин филиалига қарашли 1-сонли жамғарма кассаси;
Иккинчи ўрин – «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот филиалига қарашли 1-сонли жамғарма кассаси;
Учинчи ўрин – «Ҳамкорбанк»нинг Чинобод филиали Балиқчи мини-банкига қарашли жамғарма кассаси.

КЎШИМЧА НОМИНАЦИЯЛАР БЎЙИЧА КУЙИДАГИЛАР ГОЛИБ ДЕЯ ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ:

«Йилнинг энг яхши кассири» номинациясида – Ахмадалиева Ражабхон Каххаровна – «Микрокредитбанк»нинг Наманган вилояти Тошбулоқ филиали касса амалиёти касса мудир.

«Омонатларни жалб қилиш бўйича банк фахрийси» номинациясида – Бодягина Людмила Григорьевна – ЎзР ТИФ Миллий банкининг Пул муомаласи департаменти директори.

«Миллий валютадаги энг яхши муддатли депозит» номинациясида – «Агробанк» АТБнинг «Файзли келажак» муддатли омонати.

«Хорижий валютадаги энг яхши муддатли депозит» номинациясида – «Капиталбанк» АТБнинг «Шошилмасдан» омонати.

«Миллий валютадаги энг яхши жамғарма депозити» номинациясида – «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг «Ягонасан Ватаним» омонати.

«Хорижий валютадаги энг яхши жамғарма депозити» номинациясида – ЎзР ТИФ Миллий банкининг «Бойчечак» омонати.

«Энг яхши пластик карточкалар эмитенти бўлган банк» номинациясида – Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки.

«Энг яхши пластик карточкалар эквайери бўлган банк» номинациясида – «Asia Alliance Bank» АТБ.

«Банкининг энг замонавий жиҳозланган бўлинмаси» номинациясида – «Orient Finans» ХАТБнинг Самарқанд филиали.

«Аҳоли учун энг яхши инновацион маҳсулот» номинациясида – «Алоқабанк» АТБ.

«Энг яхши инновацион банк» номинациясида – «KDB Bank O'zbekiston» акциядорлик жамияти.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу билан бирга, Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида кўра, миқдоридан қатъи назар, фуқароларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларидаги омонатлари тўла ҳажмда қоплаб берилиши кафолатланган.

Буларнинг барчаси банк тизими янада

ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Бугун мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари миллий ҳамда чет эл валюта-сида чекланмаган миқдорда ва муддатларда 250 дан ортиқ омонат турларини аҳолига таклиф этмоқда. 2014 йилда тижорат банкларидаги аҳоли омонатларининг ҳажми 2013 йилга нисбатан 30,8 фоизга ошди.

Танлов натижаларига кўра, голиблар саккизта асосий ва ўн битта қўшимча номинациялар бўйича тақдирланди.

**ТАНЛОВ ГОЛИБЛАРИ БИЛАН БЛИЦ-ИНТЕРВЬЮ:**

«Аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши банки» номинацияси голиби «Асака» давлат акциядорлик-тижорат банки.

Жасурбек ОТАКУЛОВ, банкнинг Чакана хизматлар департаменти омонат амалиётлари бўлими бошлиғи:

– Бу йилги танловда асосий номинация голиблигини кўлга киритганимиздан мамнунмиз. «Асака» банк томонидан аҳолининг бўш пул маблағларини банкларга жалб қилиш борасида мунтазам равишда амалий ишларга қўл урилмоқда. 2015 йил 1 январь ҳолатига кўра, банкимиздаги

омонатлар қолдиғи 491 млрд. сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 133 фоиз ўсишига эришилди. Ҳозирги кунда юртимиз аҳолиси «Асака» банкнинг 90 дан ортиқ омонат турларидан фойдаланмоқда. 2014 йил давомида аҳоли учун қулай ва жозибадор 12 турдаги омонатлар жорий этилди. Банкимиз томонидан «Соғлом бола йили» Давлат дастуридан келиб чиқиб ўтган йилнинг январь ойида «Соғлом авлод» номли янги омонат тури амалга киритилган.

Жорий «Кексаларни эъзозлаш йили»да эса «Қадрият» номли муддати 2 ойлик, фоизлари омонатчининг хоҳишига қараб ҳар ойда ҳам олиниши мумкин бўлган янги омонат тури тақдим қилинди. Хорижий валютада ҳам 30 турдаги омонатлар мавжуд. Улардан 22 таси АҚШ долларидан, 8 таси эса еврода қабул қилинади. 2015 йилда ҳам аҳоли бўш пул маблағларини банкка жалб этиш бўйича янги омонат турларини жорий этиб, йил якунида омонат қолдиқларини 130 фоизга оширишни режалаштирганмиз.

«Шаҳарларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши филиали» номинацияси голиби «Агробанк» АТБнинг Самарқанд вилояти бошқармаси ҳудудий филиали.

Мақсуд БҶРОНОВ, филиал бошқарувчиси:

– Аҳоли бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб қилиш нафақат миқдор ва банк манфаатларига хизмат қилади, балки жамият иқтисодиётини ривожлантиришда ҳам муҳим ўрин тутди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган мазкур танловда ҳам аслида ушбу масалалар кўзда тутилиб, унга кўра, тижорат банклари аҳоли омонатлари жозибадорлигини ошириш, уларни жалб қилиш, банкнинг ресурс базасини шакллантириш, шу орқали иқтисодий молиялаштириш имкониятини кучайтиришга жиддий эътибор қаратмоқда. Жумладан, «Агробанк» АТБ томонидан ҳам бу борада намунали ишлар ташкил этилиб, салмоқли натижаларга эришилмоқда. Хусусан, 2014 йил якуни бўйича филиалимизда аҳоли омонатлари

қолдиғи ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 121 фоизга ўсиб, 34 млрд. 751 млн. сўмни, омонатчилар сони 13 минг нафарни ташкил этди. Ушбу даврда узоқ муддатли омонатлар ҳажми 158 фоизга ўсиши таъминланди. Шунингдек, 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 11 060 та пластик карта эмиссия қилиниб, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига 367 та терминал ўрнатилди. 616 235 та тўлов учун 33 млрд. 324 млн. сўмлик транзакциялар ўтказилиб, «Иш ҳақи» лойиҳаси доирасидаги пластик карталарга жами 18 млрд. 522 млн. сўмлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар кириб қилинди. Гувоҳи бўлганингиздек, филиалимизда пул муомаласи бўйича 2014 йилги кўрсаткичларнинг салмоғи катта. Буни танлов натижалари ҳам юзага чиқарди.

(Давоми 9-бетда).

ZAMONAVIY TEXNOLOGIYALAR

Банк карталаридан фойдаланиш бўйича чакана тўлов тизимининг ривож

1995 йилда Ўзбекистонда илк мартаба миллий валютада кредит ва дебет тўлов пластик карталари муомалага чиқарилди.


2004 йил 24 сентябрда 445-сон билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори доирасида Ягона умумреспублика процессинг маркази ташкил этилди. У савдо ташкилоти ёки хизматлар соҳасига ёхуд пластик карточка эгасига қайси банк орқали хизмат кўрсатилаётганидан қатъи назар, банк операцияларини барча савдо шохобчаларида ягона режимда олиб бориш имконини беради. Айни пайтда, Ягона умумреспуб-

лика процессинг маркази сўм пластик карточкаларини муомалага чиқарувчи 25 та тижорат банкни бирлаштиради. Марказда «UZKART» сўм пластик карталари бўйича нақд пулсиз ҳисоб-китоблар банклараро тўлов тизими ташкил этилган.

Ўзбекистонда ҳозирда пластик карталар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизими жуда кенг тарқалган. Жойларда пластик карталар эгаларига кечаю кундуз хизмат кўрсатишга имкон берувчи ахборот-маълумот терминаллари тармоғи ишлаб турибди, терминаллар, банкоматлар ва инфокиоскларни таъмирлаш бўйича сервис хизматлари ташкил этилган.

2015 йил 1 январь ҳолатига кўра муомалага чиқарилган банк пластик карталари, терминаллар, банкомат ва инфокиосклар тўғрисида маълумот, донда

Худудлар	Муомалага чиқарилган пластик каталар сони	Банклар томонидан ўрнатилган терминаллар сони	Банклар томонидан ўрнатилган банкомат ва инфокиосклар сони	2014 йил давомида терминаллар орқали амалга оширилган тўловлар миқдори (млн. сўмда)
Қорақалпоғистон Рес.	755 129	8 890	50	1 251 753
Андижон вилояти	854 874	10 927	113	1 461 802
Бухоро вилояти	887 506	10 331	92	1 546 762
Жиззах вилояти	438 549	6 222	32	676 002
Қашқадарё вилояти	1 179 747	11 579	64	1 898 848
Навоий вилояти	589 363	7 979	89	1 130 160
Наманган вилояти	862 386	8 425	102	1 228 102
Самарқанд вилояти	1 094 277	13 482	127	1 804 744
Сурхондарё вилояти	766 253	8 927	92	1 205 816
Сирдарё вилояти	363 812	4 555	31	450 368
Тошкент вилояти	827 733	14 131	70	1 885 646
Фарғона вилояти	1 306 171	13 994	153	1 985 482
Хоразм вилояти	559 091	7 073	58	849 013
Тошкент шаҳри	2 964 539	32 275	797	5 384 233
Жами	13 449 430	158 790	1 870	22 758 725



Ахборот ва статистика бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг www.cbu.uz сайти материаллари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон лизинг бозори: 2014 йил сарҳисоби

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).
Тадбирни олиб борган Ўзбекистон лизинг берувчилар Ассоциацияси бош директори Зафар Мустафоев иштирокчиларни лизинг хизматларини кўрсатишда халқаро ва маҳаллий бозор тенденцияси билан яқиндан таништирди. Мамлакатимизда лизинг соҳасини замонавий талаблар асосида ривожлантиришга қаратилган изчил ислохотлар давом этаётганини, шунга монанд лизинг амалиётлари ҳажми йил сайин кўпайиб, ушбу жараён иштирокчилари бўлган лизинг компаниялари ва тижорат банклари сафи тобора кенгайиб бораётганини таъкидлади.
– Чунончи, бугунги кунда лизинг фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар сони 88 та бўлиб, уларнинг 24 таси тижорат банклари дир, – дейди З.Мустафоев.
– 2014 йилда лизинг хизматлари бозорида умумий миқдори 826 млрд. сўмдан зиёд 4848 та битим имзоланди. Натижада лизинг амалиётларининг жами портфели қиймати ўтган йилга нисбатан 30 фоизга ўсиб, 2 трлн. 139 млрд. сўмни ташкил қилди.
Таъкидлаш жоиз, ҳисобот даврида ҳам тузилган битимларнинг энг кўп улуши 2013 йилдагидек қишлоқ хўжалиги техникалари (34,2 фоиз) ҳиссасига тўғри кел-

ди. Шунингдек, 27,7 фоизини технологик жиҳозлар, 24,4 фоизини автотранспорт воситалари, 13,7 фоизини кўчмас мулк объектлари бўйича тузилган шартномалар ташкил этди. Худудлар кесимида эса, Тошкент шаҳри (24,36 фоиз) ҳамда Тошкент ва Сирдарё вилоятлари (11 ва 13 фоиз)га тўғри келади.
Айни пайтда республикамизда лизинг хизматларини кўрсатиш бўйича «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компанияси етакчи ўринда туради. 2014 йилда ушбу ташкилот томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарига 267,6 млрд. сўмлик ана шундай хизмат кўрсатилган. Мазкур бозорда навбатдаги ўринда турувчи «Ўзавтосаноатлизинг» мижозларининг 74,6 млрд. сўмлик, «Ўзмелиомашлизинг» эса, 25,4 млрд. сўмга тенг мурожаати бўйича битим тузган. Тижорат банклари орасида эса «Асака» давлат акциядорлик-тижорат банки (79,4 млрд. сўмлик), «Ипотека-банк» АТИБ (26,7 млрд. сўмлик), Давлат-тижорат Халқ банки (22,3 млрд. сўмлик) ҳамда «Ҳамкорбанк» АТБ (16,4 млрд. сўмлик)лар йирик миқдордаги лизинг амалиётларини бажарди.
Тадбирда иштирокчилар томонидан Ўзбекистон лизинг берувчилар Ассоциациясининг 2015 йилга мўлжалланган устувор вазифалари белгилаб олинди.
Юлдуз ЗОКИРОВА.

Банкдан янги «мобиль савдо» хизмати

«Агробанк» акциядорлик-тижорат банкида пластик карталар асосида янги «мобиль савдо» хизмати жорий қилинди.

Бу билан эндиликда банкнинг нафақат он-лайн, балки оф-лайн тизимида ишлайдиган DUET карталари орқали ҳам мобиль савдода тўловларни амалга ошириш имконияти яратилди.
Мазкур хизматдан юридик ва жисмоний шахслар ўз мобиль алоқа воситаси ёрдамида (бунда интернет тизимига уланиш талаб этилмайди) савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шохобчаларида тўловларни USSD хизмати орқали амалга оширадидлар.
Бунда чакана савдо ёки пуллик хизмат фаолияти билан шуғулланувчи савдо шохобчалари сотувчилари мобиль телефонлари орқали «Агробанк-клик» хизматига уланган мижозлардан тўловларни «мобиль савдо» ёрдамида қабул қилиб, ўз маҳсулот ва хизматларини сотади.
Хизматдан фойдаланиш оддий бўлиб, унда сотувчи кўрсатилган хизмат учун тўлов суммасини сўровнома тарзида харидорнинг уяли телефонига юборади. Мижоз эса мазкур сўровномани тасдиқлайди.
Айни пайтда «Агробанк»нинг барча филиалларида ушбу хизмат учун барча расмийлаштириш ва дастурий таъминот ишлари ниҳоясига етказилиб, дастлабки синов амалиёти ҳам ўтказилди.
– Ушбу хизмат тури аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, қишлоқ жойларда алоқа хизмати, банк-молия ва коммунал хизматлар соҳаси-



ни ривожлантириш мақсадида жорий этилди, – дейди «Агробанк» АТБнинг Пластик карталар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи Зафар Мамажонов. – Унинг афзаллик томони вақтни тежашидир.
Маълумот ўрнида келтириб ўтамиз, бугунги кунда «Агробанк» томонидан жойларга ўрнатилган терминал, банкомат ва инфокиосклар сони 24 757 тага етказилди. Тарқатилган пластик карталар сони 2 млн. 766 мингдан зиёдни ташкил этди. Банк мижозлари «Click» ва «SMS-to'lov» хизматларидан кенг фойдаланиб келмоқда. Айни пайтда муассасанинг биргина «Мобиль-банкнинг» хизматидан 186 мингдан зиёд мижоз доимий равишда фойдаланмоқда.
Гулшан ЮСУПОВА.

BANK VA TADBIRKOR

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ривожини йўлидаги банк кредитлари

Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ҳар йили ишлаб чиқиладиган Давлат дастурларида аҳолининг кенг қатламини, шу жумладан, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг турмуш даражасини оширишга, фаровон ҳаёт кечиришларини таъминлашга алоҳида урғу берилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан 2014 йил «Соғлом бола йили» деб номланиши ҳамда махсус Давлат дастури қабул қилиниши мамлакатимизда аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилишининг ёрқин ифодасидир.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури 7 бўлим ва 125 банддан иборат бўлиб, унда болалар туғилиши, таълим-тарбияси, оилада соғлом муҳитни, унинг иқтисодий ва маънавий-ахлоқий асосларини мустаҳкамлаш, ижтимоий соҳа ривожига ажратилаётган маблағлар самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалалар акс этган.

Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида банк тизимига тегишли бўлган бандларни ижро этишда республика Марказий банки, тижорат


банклари томонидан аҳолини молиявий қўллаб-қувватлаш, оилаларнинг ижтимоий-маиший ва уй-жой шароитларини яхшилаш мақсадида уларга ипотека ва истеъмол кредитлари ажратилишини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

2014 йил давомида маиший электр жиҳозлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш орқали аёлларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш ва кундалик уй меҳнатини енгиллаштириш мақсадида маҳаллий уй-рўзғор буюмларини сотиб олиш учун 57,3 млрд. сўм истеъмол кредитлари ажратилди.

Аёл тадбиркорларга, шунингдек, ишловчиларнинг камида 50 фоизини хотин-қизлар ташкил этувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 960,2 млрд. сўм имтиёзли кредитлар ажратилди ва оилавий тадбиркорликни ҳар томонлама ривожланти-

риш ҳамда молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу эса, ўз навбатида, қанчадан-қанча хотин-қизларга ўз ишини очиб, оиласи, эл-юртимиз учун фойда келтириш, ҳаётда ўз ўрнини топиш имконини бераётганини алоҳида таъкидлаш даркор.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун 24 минг нафардан ортиқ касб-ҳунар коллежи битирувчиларига 200 млрд. сўмдан зиёд имтиёзли кредитлар ажратилди. Албатта, ёшларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилаётгани, ўз худудида тадбиркорлик фаолият-



ларини ривожлантиришлари учун уларга кенг имкониятлар берилаётганлигини айтиш лозим. Шу боис, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истаги

бўлган ёшлар сафи тобора кенгайиб бораёпти.

– Юртимизда хотин-қизлар мавқеи юксалмоқда, – дейди Наманган педагогика касб-ҳунар коллежи битирувчиси Рисликхон Раҳимова. – Уларнинг уй-рўзғор юмушларини енгиллаштириш, жамият ва оиладаги ролини кучайтиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, бундай ислохотларда банклар ҳам фаол иштирок этиб, кичик бизнес субъектларининг бизнес-режаларини молиялаштиришда кўпроқ аёл тадбиркорлар томонидан тақдим этилган ҳамда бевосита хотин-қизлар ҳаётига хизмат қилувчи лойиҳаларга қизиқиш билдирмоқда. Давлат-тижорат

Халқ банки томонидан коллеж битирувчиларига берилаётган имкониятлардан фойдаланиш мақсадида аёллар саргарошонлигини ташкил қилишга киришдим. 2 млн. сўмга тенг лойиҳам мазкур банкнинг Наманган филиали томонидан қисқа фурсатда молияланди. Ёш оилаларга уй-жой сотиб

олиш, куриш ва реконструкция қилиш, уларнинг бу борадаги интилишларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 234,8 млрд. сўмлик узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари ажратилди.

Намунавий лойиҳалар асосида 11 000 та яқка тартибдаги уй-жойларни куриш йўли билан қишлоқ жойларда оилаларни шинам уй-жойлар билан таъминлаш, уларнинг турмуш шароитларини яхшилашга 1,8 трлн. сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди. Шу билан бирга, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси ҳам тубдан ўзгариб, аҳоли фаровонлиги ва ҳаёт сифати ошиб бораёпти.

– Сўнгги йилларда Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида қишлоқларимиз қиёфасини тубдан яхшилаш, у ерда истиқомат қилаётган аҳоли учун замонавий шарт-шароитлар яратишга катта эътибор қаратиляпти, – дейди Хатирчи уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи битирувчиси Мирзоҳид Раҳимов. – Хусусан, янги ижтимоий объектлар, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш мажмуаларининг бунёд этилиши қишлоқлар кўркига кўрк қўшиб, аҳоли

Тадбиркор қиз тенгдошларининг бандлигини таъминлади

Халқимизда «Хунар – хунардан унар» деган мақол бор. Яна айтишадик, хунарли хор бўлмас. Айниқса, қиз боланинг хунарли бўлиши унинг ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Ўз меҳнати, билим ва истеъдоди билан оиласини тебратинишга, фарзандларини баркамол инсон этиб тарбиялашга ҳисса қўшади.

– Мен 2012 йилда Қашқадарё вилоятидаги Шахрисабз агроиқтисодиёт касб-ҳунар коллежини битирдим, – дейди шахрисабзлик ёш хунарманд Ситора Сатторова. – Келгусида қайси касб эгаси бўлишим ҳақида жуда кўп ўйлаганман. Шунда ўз бизнесимни ташкил этиш гоёси туғилди. Бунда менга коллеждаги таҳсил давомида бизнес сабоқларини ўрганганим ва оилавий муҳит ёрдам берди. Чунки хунармандлар оиласида вояга етганман. Ота-онам мени қўллаб-қувватлашди. Турли кўрик-танловлар ва кўرғазмаларда иштирок этиб, ўз билим ва кўникмаларимни ошириб бордим. Атрофимга секин-аста дугоналарим келиб қўшилишди.

Айни пайтда Ситора ташкил этган цехда 25 нафар хотин-қиз меҳнат қилади. Улар миллийлик билан уйғунлашган замонавий либослар, ироқи усулда каштадан безак солинган дўппилар, ҳамёнчалар, ёстиқ жилдлари тиқишмоқда.

– «Хунарманд» уюшмаси кўмагида қатор кўрғазмаларда ўз маҳсулотларимиз билан иштирок этдик, – дейди Ситора. – Шунда хорижлик меҳмонлар маҳсулотларимизга қизиқиш билдиришди ва шартномалар тузди. Бугунги кунда сайёҳлик маркази орқали АҚШ, Франция, Буюк Британия, Россия каби

мамлакатлардан маҳсулотларимизга буюртмалар олаяпмиз. Яқинда туркменистонлик сайёҳ билан учрашдим. У киши миллий нақшларимизни нимча ва сумкачаларга тикиб беришимизни илтимос қилди. Ҳозир шу устида иш олиб бораёпмиз.

Ёш хунарманд имкон бўлди дегунча тил ўрганишга вақт ажратади. Унинг орзуси хорижий тилларни мукамал ўрганиб, чет давлатларида бўладиган кўрғазмаларда ҳам иштирок этиш.

– Ҳозир 19 ёшдаман, – дейди ёш тадбиркор. – Ўз бизнесимни йўлга қўйиш орқали мен нафақат ишли бўлдим, балки ўзимга ўхшаган 12 нафар тенгдошим учун ҳам иш ўринлари ташкил қилдим. Ҳозирда янги лойиҳалар билан бандман. Агар лойиҳам амалга ошса, банкдан кредит олиб, туман марказидан савдо дўкони ва янги цех куриш ниятидаман.

Ўтган йили вилоятда хотин-қизларни тадбиркорлик соҳасига кенг жалб этиш ва уларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан 46 млрд. сўм кредит ажратилди. Бу 2013 йилдагига нисбатан 15 млрд. кўпдир. Шу каби хайрли тадбирлар Ситора сингари қўллаб-қувватлаш тадбиркор хотин-қизлар орзуларига қанот бўлаёпти.

«Туркистон-пресс» НАА.

Ишончли ҳамкор

Ўзбекистон ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида катта салоҳиятга эга. Инвестиция муҳитининг мақбуллиги мамлакатни инвестициялар учун янада жозибador қилмоқда.

Тадқиқотларга кўра, автомобиль саноати соҳаси инвесторларда алоҳида қизиқиш уйғотмоқда. Маҳаллий автомобиллар сифати ва хавфсизлиги бўйича жаҳон стандартларига жавоб беради.

Меҳнат ресурслари, хомашё базаси, аҳолининг юқори талаб-эҳтиёжи ва давлат кўмаги сингари муҳим омилларнинг мавжудлиги автомобилсозлик соҳаси ривожланишига хизмат қилиб, янги лойиҳалар яратиш ва ишлаб чиқишни рағбатлантирмоқда. Бизнесинг лойиҳа – «GM Uzbekistan» ҚҚга автомобиллар ишлаб чиқариш учун эҳтиёт қисмлар тайёрлашни ташкил этишга қаратилган.

«UzSangWoo» қўшма корхонамиз 2011 йилда ташкил этилган. 2013 йилдан бери «Асака» банк бизга хизмат кўрсатади. Банк юқори даражада хизмат кўрсатувчи ишончли ва барқарор молиявий муассаса сифатида ном қозонган. «Fitch Ratings» ва «Moody's» сингари дунё миқёсидаги рейтинг агентликларининг фикрига кўра, банк юқори баҳога лойиқ.

«Асака» банк гоёларимизни амалга ошириш учун молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлади. Ходимларнинг тезкор ва сифатли иши туфайли ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми ва сифатини оширишга муваффақ бўлдик. Чунончи, ўтган йили «GM Uzbekistan» ҚҚ автомобиллари учун 80 мингдан ортиқ эҳтиёт қисмлар комплектини ишлаб чиқардик, шунингдек, 100 дан ортиқ янги иш ўринлари яратдик.

«Асака» банк мослашувчан сиёсат юритиб, миждозларнинг эҳтиёжларига мос бўлган қулай кредитлаш тизимларини яратади ва амалга оширади. Унинг иш тизими бизнесинг қисқа муддатда кредит ресурсларини олиб, бошқа молиявий дастаклардан фойдаланишимизга имкон беради. Биз «Асака» банк ходимлари ва раҳбариятига ишлаб чиқарувчиларни фаол қўллаб-қувватлаётганликлари учун чин дилдан миннатдорлик билдириб, ишларида муваффақият тилаймиз, ҳамкорлигимиз бундан буён давом этишига умид қилиб қоламиз.

Ким Санг Ил, «UzSangWoo» ҚҚ бош директори.

BANK VA TADBIRKOR

фаровонлигини таъминлаётган бўлса, бу борада тадбиркорларга берилаётган имтиёз ва қулайликлар ишбилармонлик муҳитининг тараққий этишига хизмат қилмоқда. Жумладан, мен ҳам тижорат банклари томонидан ажратилаётган сармоялар ҳисобига ўз бизнесларини ташкил этаётган тенгдошларимга ҳавас қилиб, тадбиркор сифатида иш бошладим. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкнинг Навоий вилояти Зарафшон филиали томонидан ажратилган 40 млн. сўмлик кредит ҳисобига замонавий ва сифатли дераза ҳамда эшик ромлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдим. Йигирма ёшга тўлмасдан ишбилармонга айланганимдан, қолаверса, ишлаб чиқаришдаги меҳнатим билан минтақамиздаги бунёдкорлик ишларига ўз ҳиссамни қўшаётганлигимдан гурурланаман.

Маълумки, «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида бир қатор ижтимоий аҳамиятга молик тадбирлар амалга оширилди, хусусан:

худудларда фаолият юритаётган аёл тадбиркорлар ўртасида ўтказиладиган «2014 йилнинг энг яхши лойиҳаси» танловида голиб бўлган 15 та ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга оширишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, Мўйноқ туманида «Қорақалпоғистонда фаолият юритаётган аёлларнинг иқти-


содий имкониятларини кенгайтириш» дастурига биноан 110 га яқин кам таъминланган аёлларнинг молиявий саводхонлигини ошириш, бизнес лойиҳаларни тузиш бўйича ўқув дастурлари амалга оширилди.

Шунингдек, 2014 йилда мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг тараққий этиши, хусусий мулкнинг жадал ритми учун қулай ва устувор шароитлар

яратилди. Булар ҳисобига иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари тезлашди, аҳоли бандлиги ошди ва даромадлари ўсиши таъминланди. Президентимизнинг 2014 йил 7 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 4609-сонли Фармони қабул қилинди. Ушбу фармон билан Ўзбекистон Республикасида ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш, жаҳон амалиётида умумқабул қилинган бизнесни юритиш шароитларини баҳолаш мезонлари тизимини жорий этиш ва шу асосда мамлакатимизнинг халқаро рейтингини янада оширишни таъ-

минлаш бўйича кенг чора-тадбирлар комплекси қабул қилинди.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, кредит олиш, хўжалик низоларини кўриб чиқиш, жараёнлари сезиларли даражада соддалаштирилди



ва арзонлаштирилди. Мулкни рўйхатдан ўтказиш, ер участкаларини ажратиш, қурилишга рухсатномалар бериш, электр тармоқларига уланишда «бир дарча» тамойилларини оммавий жорий этиш бўйича ишлар жадаллаштирилди. Ушбу фармонда тижорат банклари кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига уларнинг ҳисобварақларидан солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашда банклар хизматлари учун тўловлар ундириш амалиёти бекор қилинди. Тадбиркорлик субъектлари томонидан олинган кредит маблағларининг таъминоти сифатида гаровга қўйилган мулкларни кредитнинг қайтарилган қисмига нисбатан

гаровдан чиқариш бўйича рухсат бериш механизми амалиётга татбиқ қилинди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йилнинг 27 декабрида 2546-сон билан рўйхатга олинган «Кичик тадбиркорлик субъектларини миллий валютада кредитлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга тегишли ўзгартиришлар киритилди ҳамда ушбу амалиёт 2014 йилнинг 5 майдан бошлаб кучга кирди.

Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорацияси эълон қилинган «Бизнесни юритиш-2015» ҳисоботида давлатларнинг янги рейтингига кўра, Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳити қулайлиги бўйича дунёнинг 189 та давлатлар орасида 8 поғона кўтарилиб, 141-ўринни эгаллади, кредитлаш тизими бўйича эса ўтган йилга нисбатан бир йўла 26 поғона кўтарилиб, 104-ўринга чиқди. «Кредит алмашинуви индекси» бўйича эса 8 балли тизим бўйича 7 баллга баҳоланди. Бу эса, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотига аъзо давлатларга берилган рейтинг кўрсаткичидан анча юқоридир.

Ўз навбатида, тижорат банклари томонидан 110 мингдан ортиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 9,2 трлн. сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди.

Шундан саноат соҳасига 2 582,1 млрд. сўм, қишлоқ хўжалигига 1 130,3 млрд. сўм, савдо ва умумий овқат-

ланиш соҳасига 2 728,2 млрд. сўм, қурилиш соҳасига 765 млрд. сўм, маиший хизмат кўрсатиш соҳасига 570 млрд. сўм, транспорт ва алоқа соҳасига 321,4 млрд. сўм ва бошқа тармоқларга 1 150,7 млрд. сўм ҳажмида кредитлар ажратилди.

Ушбу ажратилган кредитларнинг 60 фоизи узоқ муддатли, 40 фоизи эса, қисқа муддатли кредитларни ташкил этади.

Шу билан бирга, Юртбошимизнинг 2011 йил 11 мартдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги» 1501-сонли Қарори билан тижорат банкларининг имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари асосан олиш ва етиб бориш қийин бўлган туманларда, шунингдек, меҳнат ресурслари керагидан ортиқ бўлган туманлар ҳамда шаҳарлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларида, ишлаб чиқариш микрофирмалари, кичик корхоналар, деҳқон ҳамда фермер хўжалиқларида юқори технологик ва инновацион лойиҳаларни молиялаштириш учун кредитлар ажратилиб келинмоқда.

Ақром ҲАЙДАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Тижорат банкларининг
инвестиция портфелини
мониторинг қилиш
департаменти
бош иқтисодчиси.

Кредитлар ҳисобига иқтисодиёт тармоқлари тараққий этмоқда

Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, қулай инвестиция иқлимининг яратилиши ва янги иш жойларини ташкил этиш юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2014 йилнинг 1 июнидан бошлаб тадбиркорлик субъектлари учун «бир дарча» тамойили бўйича электрон шаклда миллий валютада бир йилгача бўлган муддатга кредит олишга доир ҳужжатларни тақдим этиш амалиёти жорий қилинди. Бунда, тадбиркорлар банкнинг расмий веб-сайти ёрдамида қулайлаштирилган интерфейс орқали бир йилгача кредит олиш учун барча керакли маълумотларни «он-лайн» тарзида киритиш ҳамда банк филиалларига бориш учун сарфланадиган вақтларини тежаш имконига эга бўлди.

Бундай амалиёт «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банкида ҳам намунали йўлга қўйилди. Натижада муассаса кредит хизматларига бўлган талаб ошди. Чунончи, 2014 йил давомида «Қишлоқ қурилиш банк» жами кредит қўйилмалари миқдори 2013 йилга нисбатан 40,7 фоизга ўсди ва 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, жами кредитлари қолдиғи 3 013,4 млрд. сўмни ташкил этди. Ушбу кредит қўйилмаларининг 96,3 фоизи узоқ

муддатли кредитлар бўлиб, унинг асосий қисми (77,2 фоизи) аҳолига ажратилган ипотека кредитлари ҳисобига тўғри келди. Шунингдек, кредит қўйилмаларининг 5,7 фоизи саноатга, 4,4 фоизи қурилиш ва транспортга, 5,4 фоизи савдо ва умумий овқатланишга, 2,9 фоизи қишлоқ хўжалиги тармоқларига берилган бўлса, 4,4 фоизи иқтисодиётнинг бошқа турли соҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

Банк томонидан иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш ҳамда рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, ушбу мақсадда 421,6 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

Иқтисодиётнинг базавий тармоқларини ривожлантириш, экспорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, реал сектор корхоналарини модернизация



қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш мақсадларига эса ўтган йил давомида 286,4 млрд. сўм миқдоридан инвестиция кредитлари йўналтирилди.


«Қишлоқ қурилиш банк»нинг 2014 йилги фаолиятида «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида амалга оширилган чора-тадбирлари ҳам салмоқли ўринга эга. Ёшлар, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик соҳасига кенг жалб қилиш, бунда уларга имтиёзлар бериб, молиявий қўллаб-қувватлаш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш ҳисобига хотин-қизлар имконияти ва оилалар даромадини ошириш каби

устувор вазифаларга жиддий эътибор қаратилди. Ушбу мақсадда тадбиркор аёллар раҳбарлик қилаётган хўжалик субъектларига 51,3 млрд. сўм, коллеж битирувчиларига ўз бизнесларини йўлга қўйишлари учун 14,7 млрд. сўм миқдоридан имтиёзли микрокредитлар ажратилди.

Аёлларга уй-рўзгор юмушларини енгиллаштириш ва маиший шароитларини яхшилаш мақсадида 1,8 млрд. сўмлик истеъмол, 529 та ёш оилага 55,7 млрд. сўмлик ипотека кредитлари берилди. Янги ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектларига, оилавий тадбиркорлар ҳамда касаначиликка 19,6 млрд. сўм миқдоридан микрокредитлар ажратилди.

Наргиз АҲМЕДОВА.

QONUNCHILIKDAGI YANGILIKLAR



Янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тақдим этамиз

Ишлаб чиқариш харажатларини қисқартиришга доир чора-тадбирлар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 22 январдаги 8-сонли қарори билан саноатда ишлаб чиқариш харажатларини қисқартиришга ва маҳсулот таннархини пасайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар назарда тутилди.

Ҳужжат билан уюшмалар, акциядорлик компаниялари ва йирик саноат корхоналари томонидан Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда ишлаб чиқилган 2015 йилда ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва маҳсулот таннархини ўртача 10 фоизга пасайтириш бўйича таклифлари маъқулланди.

Куйидагилар ҳисобига ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва маҳсулот таннархини пасайтириш амалга оширилади:

энергия ресурслари истеъмолини қисқартириш ва ишлаб чиқаришда энергия самарадорлигини ошириш;

технологик жараёнларни ҳамда материал-хомашё ресурсларини сарфлаш нормаларини, фойдаланиш ва ноишлаб чиқариш харажатларини АКТларни жорий этиш йўли билан рационализация қилиш;

меҳнат унумдорлигини ошириш, бошқарув ҳамда саноат-ишлаб чиқариш ходимлари сонини маъқуллаштириш, шунингдек, бошқа омиллар.

Қарорга мувофиқ, Саноат операцияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомнинг (Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 июлдаги 154-сонли қарори билан тасдиқланган) тасдиқланган норматив-техник ҳужжатлар доирасида технологик жараёнларни рационализация қилиш ҳамда материал-хомашё ва энергия ресурсларини сарфлаш нормаларини маъқуллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш ҳисобига маҳсулот таннархини пасайтириш, сотиб олинаётган хомашё, материаллар ва бутловчи буюмлар қийматини пасайтириш, фойдаланиш харажатларини ва қўшимча харажатларни қисқартириш, ходимларнинг йиллик сонини маъқуллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш ҳисобига маҳсулот таннархини пасайтириш натижасида маҳаллийлаштириш даражасини пасайтиришга доир қисми 2015 йилда бузилиш деб ҳисобланмайди.

Саноат ва қурилиш корхоналари паспортлари расмийлаштирилади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 26 январдаги 11-сонли қарори билан мулкчилик шаклларида қатъи назар, микрофирмалардан ташқари саноат ва қурилиш соҳасидаги барча корхоналар бўйича улар фаолиятининг асосий ишлаб чиқариш ва молиявий параметрларини акс эттирувчи корхоналар паспортларини намунавий шаклларга бинонан ҳар йили расмийлаштириш тартиби жорий этилди.

Давлат статистика қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда корхоналар фаолияти хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг паспортини тўлдириш методологиясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш; саноат ва қурилиш соҳасидаги корхоналарга паспортларнинг намунавий шакллари ва уларни тўлдириш методологиясини етказиш топширилди.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, уларнинг таркибига кирмайдиган корхоналар 2014 йилги маълумотлар киритилган паспортларнинг 2015 йил 1 апрелгача бўлган муддатда расмийлаштирилишини ҳамда интернет тармоғи орқали, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг дастурий-технологик воситаларидан фойдаланган ҳолда статистика органларига тақдим этилишини, шунингдек, ўзларининг мавжуд расмий веб-сайтларида уларнинг жойлаштирилишини таъминлайдилар.

Келгусида янгидан ташкил этилган корхоналар ҳамда ишлаб турган корхо-

налар бўйича паспорт расмийлаштирилиши ҳар йили 1 апрелгача амалга оширилиши лозим.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда корхоналар раҳбарлари зиммасига корхоналарнинг паспортларида белгиланган ишлаб чиқариш тавсифномаларига мувофиқ, қувватлардан юқори даражада фойдаланилишини ва корхоналарнинг барқарор молиявий-хўжалик фаолиятини таъминлаш юзасидан шахсий масъулият юкланади.

Устав капиталида давлат улуши 50 фоздан ортиқ бўлган зарар кўриб ишлатган, паст рентабелли ва қувватлардан паст даражада фойдаланаётган корхоналардаги акцияларнинг (улушларнинг) давлат пакетлари ушбу корхоналар акциядорлари (муассислари) билан келишган ҳолда, Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида хусусий мулкдорларга «ноль» харид қиймати бўйича, уларнинг негизда ишлаб чиқариш фаолиятини ва иш ўринларини тиклашга доир инвестиция мажбуриятлари қабул қилиш шarti билан сотилади. Республикада иқтисодиёти учун стратегик аҳамиятга эга бўлган корхоналар бундан мустасно.

Компьютер дастурлари экспорти рўйхатдан ўтказилади

Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Марказий банки Бошқарувининг қарори (Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 28 январда 2549-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) Дастурий таъминот воситалари экспорти ва импорти тўғрисидаги Низомга ўзгартиришлар киритилди.

Низом илгари Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган 2014 йил 21 июлдаги 199-сонли қарорга мувофиқлаштирилмоқда, унда экспорт битимларини хизмат кўрсатувчи банкларда ҳисобга олишни бекор қилиш назарда тутилган.

Энди экспорт шартномасига эга бўлмаган миллий реестрга киритилган дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиси интернет тармоғидаги онлайн магазинлар орқали дастурий таъминотни хорижий валютага сотиш, экспорт опера-

цияларини амалга ошириш учун электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда Интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали Ташқи савдо операциялари ягона электрон ахборот тизимига маълумот киритади (илгари ишлаб чиқувчилар хизмат кўрсатувчи ваколатли банкка мазкур битимни ҳисобга олиш учун ариза топширар эдилар).

Шунингдек, экспорт битимларини ҳисобга олишни тартибга солувчи меъёрлар ўз кучини йўқотди.

Стандарт бўйича кўчмас мулк савдоси

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Қарори (Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 3 февралда 2652-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикаси Риэлторлик хизматларининг миллий стандарти (3-сон РХМС) «Кўчмас мулк объектларининг ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг савдосини ташкил этиш» тасдиқланди.

Стандарт кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар билан савдоларни ташкил қилиш бўйича хизматлар кўрсатиш орқали амалга ошириладиган риэлторлик фаолиятига қўйиладиган умумий талабларни белгилайди.

Стандарт кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар билан савдоларни ташкил қилиш бўйича хизматлар кўрсатишда савдолар ташкилотчилари учун қўллашга мажбурийдир.

Стандарт Президенти-

мизнинг 2006 йил 31 августдаги ПҚ-458-сонли қарори билан тасдиқланган Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида автоматотранспорт воситалари ва кўчмас мулкни сотиш тартиби тўғрисидаги Низом ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 октябрдаги 279-сонли қарори билан тасдиқланган Давлат кўчмас мулк объектларини сотиш тартиби тўғрисидаги Низом билан тартибга солинган муносабатларга татбиқ этилмайди.

Савдолар ташкилотчиси

аукцион ўтказиш жараёнини, танлов таклифлари бўлган конвертларни очишни ҳамда уларни баҳолаш жараёнини видеотасвирга олади. Савдолар ташкилотчиси видеотасвирларни ёнмайдиган сейфда улар тайёрланган вақтдан бошлаб уч йил давомида сақлаши лозим.

Савдоларни ташкил қилиш ва ўтказиш савдолар ташкилотчиси томонидан унинг маблағлари ҳисобига сотувчи ва савдолар ташкилотчиси ўртасида тузилган шартнома асосида амалга оширилади.

E'TIROF

САМАРАЛИ МЕХНАТ УЧУН МУНОСИБ РАҒБАТ

(Давоми. Бошланиши 4-бетда).

ТАНЛОВ ГОЛИБЛАРИ БИЛАН БЛИЦ-ИНТЕРВЬЮ:

«Кишлоқ жойларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши филиали» номинацияси ғолиби «Кишлоқ қурилиш банк» АТБнинг Хоразм вилояти Хонқа филиали.

Разамат ЮЛДАШЕВ, филиал бошқарувчиси:

– Танловда муассасамизнинг эътироф этилгани бу нафақат филиал раҳбарияти ёки пул муомаласи йўналишида ишловчи мутахассислар меҳнати, балки бутун жамоамиз саъй-ҳаракати туфайли амалга оширилган чора-тадбирлар натижасидир. Кишлоқ аҳолиси ўртасида банк хизматлари хусусида тарғибот ишларини олиб бориш, уларни жалб қилиш ва ишончини қозониш анчайин мушкул вазифа. Шунга қарамасдан, барча имкониятларимизни ишга солган ҳолда, аҳоли бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилиб, минтақамиз

иқтисодиётини ривожлантириш, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тараққий эттиришга ўз ҳиссамизни қўшиб келяпмиз. 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан аҳоли омонатлари ҳажми 5 млрд. 147 млн. сўмга ошиб, депозитлар қолдиги 9 млрд. 415 млн. сўмни ташкил қилди. Узоқ муддатли омонатлар қолдиги эса 5 млрд. 117 млн. сўмга етди. Филиалимиз томонидан 2014 йил давомида тадбиркорлик соҳасига 10 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилиб, натижада 450 га яқин янги иш ўрни яратилди.

Ушбу номинацияда учинчи ўринни «Асака» банкнинг Фарғона вилояти Олтиариқ тумани филиали қўлга киритди.

– Филиалимиз «Кишлоқ жойларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши банк филиали» номинациясида 3-ўринни қўлга киритди, – дейди «Асака» банкнинг Фарғона вилояти Олтиариқ тумани филиали бошқарувчиси **Отабек Иноятов**. – 2010 йилда ҳам бизнинг филиал «Кишлоқ жойларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши жамғарма/маҳсус кассаси» номинациясида биринчи ўринни олган эди. Бу йилги натижа ютуқларимизнинг узвий давоми. Омонатларни жалб этиш бўйича филиал 15 мингдан ортиқ мижозлар учун турли хил депозит ҳисобварақларини очган. Ҳозир бир ойлик ўртача пул айланмаси 2 млрд. сўмдан ортиқни ташкил этмоқда. Келгусида янада қулай ва жозибдор омонат турларини маҳаллий аҳоли вакилларига тақдим этиб, бунда юксак марраларни забт этишга ҳаракат қиламиз.

«Пластик карточкалар асосида иш ҳақи лойиҳаларини амалиётга жорий этиш бўйича энг яхши банк филиали» номинацияси ғолиби «Ипотека-банк» акциядорлик-тижорат ипотека банкнинг Тошкент шаҳар филиали Амалиёт бошқармаси.

Жаҳонгир РАШИДОВ, Амалиёт бошқармаси бошлиғи ўринбосари:

– Банк тизимида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни жорий қилишда «Иш ҳақи» лойиҳаси асосидаги ишлар кўпроқ самара бермоқда. Албатта, муайян хизматга чакана доирада мижоз жалб қилгандан кўра, уни жамоавий тарзда амалга оширишнинг афзаллиги юқоридир. Шу боис, биз ҳам пластик карталар бўйича эмиссия ва барча амалиётлар ҳажмини оширишда асосан ташкилот ва корхоналар билан ҳамкорликни кенгайтиришга ҳаракат қилаяпмиз. 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, филиалимиз томонидан жами 75 171 та, шундан 2014 йил давомида 12 539 та (бунда 2013 йилга нисбатан ўсиш 20 фоиз) пластик карта муомалала чикарилди. «Иш ҳақи» лойиҳаси доирасида 1130 та (шундан 187 таси

давлат) корхона ва ташкилот билан шартнома тузилди. Шартнома асосида филиал мижозларининг ишчи-ҳодимлари учун 72 мингта пластик карта очилган бўлиб, уларга ойига 20-22 млрд. сўмлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар киришмоқда.

Танловда «Пластик карточкалар асосида иш ҳақи лойиҳаларини амалиётга жорий этиш бўйича энг яхши банк филиали» номинацияси бўйича бош совриндор бўлдик. Бу келажақда мазкур йўналишдаги фаолиятимизга, хусусан, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш, харажатларни камайтириш ҳамда мижозлар вақтини тежаш мақсадида замонавий технологиялар асосида жорий қилаётган хизмат турлари сифати ва кўламини ошириш бўйича амалга ошираётган ишларимизни жадаллаштиришга янада кучгайрат бағишлайди.

«Энг яхши инновацион банк» номинацияси ғолиби «KDB Bank O'zbekiston» акциядорлик жамияти.

Ин Жу Ким, «KDB Bank O'zbekiston» АЖ Бошқаруви раиси:

– Танловнинг ташкилий кўмитаси банк бизнесининг барча соҳаларида инновацион ечимлар бўйича ютуқларимизни юқори даражада эътироф этганидан жуда мамнунмиз ва ушбу муҳим тадбирни ташкил этган Марказий банк раҳбариятига ўзимнинг чуқур миннатдорчилигимни изҳор этаман.

Ўзбекистондаги қулай инвестицион муҳит туфайли «KDB Bank O'zbekiston» доимий равишда ўз фаолиятини кенгайтирмоқда ва йилдан-йилга янада салмоқли ютуқларга эришмоқда. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва республика Ҳукуматидан бизнес

фаолиятимиз ривожини йўлида кўрсатилаётган амалий ёрдам учун чексиз миннатдормиз.

Чунончи, фаолиятимиз мобайнида бизда Ўзбекистон банк тизимидаги ижобий натижалар ва юксалишлар катта таассуротлар қолдирмоқда. Бу борада аҳолининг бўш пул маблағларини жалб қилиш мақсадида банкларни доимий рағбатлантириш тадбирларини олиб борилаётгани ҳам эътиборга молик.

Мамлакатингиз банк тизими муваффақиятларининг халқаро миқёсда тан олиншига ёрқин мисол сифатида Ўзбекистон банклари дунёнинг етакчи рейтинг агентликлари ва молия муассасаларининг юқори халқаро рейтинг баҳоларига мунтазам эга бўлиб келаётганини кўрсатиш мумкин.

Бугунги тадбир банк хизматларини янада самарали ташкил этиш борасида ўзаро тажриба алмашиш ва банклар фаолиятининг янада ривожланишини рағбатлантириш йўлида қулай имконият бўлди. Биз банклар орасида «Энг яхши инновацион банк» деб тан олинганимиздан фахрланамиз. Тақдим этилган мукофот банкимизнинг барқарорлиги ва ўсишини таъминлаш мақсадида инновацион ечимларни янада кенгроқ кўламда қўллашимизда муҳим омил бўлади.

Танловнинг барча ташкилотчиларига яна бир бор ташаккуримни изҳор этган ҳолда, келажақда ҳам Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларда фаол иштирок этиш орқали банк тизими ҳамда иқтисодиёт ривожига муносиб ҳисса қўшишни мақсад қилганмиз.

«Аҳоли учун энг яхши инновацион маҳсулот» номинацияси ғолиби «Алоқабанк» акциядорлик-тижорат банки.

Наима МИРЗАЕВА, банкнинг Пластик карточкалар бошқармаси бошлиғи:

– Банкимиз «Аҳоли учун энг яхши инновацион маҳсулот» номинацияси ғолиби бўлганидан жуда ҳам хурсандман. Бизнинг янги инновацион лойиҳамиз – онлайн карталар орқали электрон тижоратни ривожлантиришга қаратилган бўлиб, нақд пулсиз амалиётларни кенгайтириш ва пул эмиссиясини камайтиришдан иборат. Аҳолига қулайликларни ҳамда пластик карточкаларнинг янада жозибдорлигини ошириш мақсадида Uzcard тизими орқали пайнет тўлови лойиҳасини жорий этдик.



«Кишлоқ жойларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши мини-банки» номинацияси ғолиби «Кишлоқ қурилиш банк» АТБнинг Сурхондарё минтақавий филиали «Бойсун» мини-банки.

Парда АБИРОВ, мини-банк раҳбари:

– Банкимиз жамоаси билан бугунги кунда Юртбошимиз раҳнамолигидаги аҳолини уй-жой билан таъминлашдек энг муҳим ижтимоий масалани ҳал этишга бор кучгайратимизни сарфламоқдамиз. Муассасанинг энг қуий тузилмаси сифатида ушбу устувор вазифани амалга оширишга ўз улушимизни қўшиш ниятида аҳоли ўртасида банк омонатларининг афзаллик томонлари ҳақида кенг кўламли ишларни бажаряпмиз. Саъй-ҳаракатларимиз самараси ўлароқ, танловда «Кишлоқ жойлари-

да аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши мини-банки» номинацияси бўйича биринчи ўринга лойиқ топилдик. Кўрсаткичлар хусусида тўхталиб, 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, аҳоли омонатлари 1 млрд. 468 млн. сўмни ташкил қилганлигини, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 35 фоизга ўсганлигини қайд этишим жоиз. Ушбу маблағларнинг энг кўп қисми аҳолини намунали уй-жойлар билан таъминлаш мақсадида жорий қилинган «Қурилишга сармоя» номили депозит турига тўғри келмоқда.

ТАНЛИЛ

Ўзбекистон суғурта бозори: 2014 йил якунлари

Суғурта компаниялари сони

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг маълумотларига кўра, 2015 йил 19 январь ҳолатига Ўзбекистонда суғурталовчилар ва суғурта брокерларига суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи амалдаги лицензиялар реестрига 33 та компания киритилган.

Жами устав капитали

Компанияларнинг 2014 йил январь-декабрь ойларидаги жами устав капитали 361,3 млрд. сўмни ташкил этган ва 2013 йилги кўрсаткич билан солиштирганда 25,8 фоизга ўсган.

Суғурта мажбуриятлари

2014 йил якунларига кўра, суғурта мажбуриятлари ҳажми 240 519,7 млрд. сўмни ташкил этди ва 2013 йилги кўрсаткич билан солиштирганда 48,9 фоизга ўсди. Мажбуриятларнинг асосий қисмини ихтиёрий суғурталаш бўйича мажбуриятлар ташкил этади, барча мажбуриятларнинг 79,1 фоизи уларнинг улушига тўғри келади.

Суғурта мукофотлари

Суғурта мукофотлари ҳажми 439,1 млрд. сўмни ташкил этди, бу 2013 йил январь-декабрь ойларидаги мукофотлар ҳажми (338,5 млрд. сўм) билан солиштирганда 100,7 млрд. сўмга ёки 29,7 фоизга кўпдир.

2014 йил январь-декабрь ойлари якунларига кўра, ихтиёрий мукофотлар суғурта мукофотларининг умумий ҳажмида 68,5 фоизни ташкил этди, қолган 31,5 фоиз эса мажбурий мукофотлар улушига тўғри келди.

Суғурта тўловлари

Суғурта тўловлари ҳажми 74,6 млрд. сўмни ташкил этди ва 2013 йилги кўрсаткич билан солиштирганда 11,5 фоизга ўсди. Бу ўсиш мажбурий суғурталаш ҳисобига рўй берди (10,2 млрд. сўмга ёки 53,6 фоизга), айти пайтда ихтиёрий суғурта тўловлари 2013 йил январь-декабрь ойларидаги 47,8 млрд. сўмдан жорий даврда 45,3 млрд. сўмга пасайди (5,2 фоизга пасайиш).

2014 йил январь-декабрь ойларида ихтиёрий суғурталаш бўйича суғурта тўловлари улуши 60,7 фоизни таш-

кил этди, бу 2013 йилнинг худди шу давридаги кўрсаткичдан 10,8 фоизли бандга пастдир. Ўз навбатида, мажбурий суғурталар бўйича тўловлар улуши 39,3 фоизгача ўсди.

2014 йилда суғурта тўловлари ҳажмининг суғурта мукофотлари ҳажмига нисбати 17,0 фоизни ташкил этди.

Инвестициялар

2014 йил якунларига кўра, суғурта компанияларининг инвестициялари ҳажми 623,7 млрд. сўмни ташкил этди, бу ўтган йилги кўрсаткичдан 18,4 фоизга кўпдир. Инвестицияларнинг асосий қисмини омонатлар (293,9 млрд. сўм ёки 47,1 фоиз) ва

қимматли қозғаларга инвестициялар (250,6 млрд. сўм ёки 40,2 фоиз) ташкил этди.

Суғурта компаниялари кесимида энг олди қаторни «Ўзагросуғурта» ДАСК (компаниянинг мукофотлар умумий ҳажмидаги улуши 18,9 фоизни ташкил этади), «Ўзбекинвест» ЭИСМК (13,8 фоиз) ва «Кафолат» ДАСК (9,6 фоиз) эгаллаб турибди.

2014 йил январь-декабрь ойларида 10 та йирик суғурта компанияларининг суғурта мукофотлари ҳажми 337,3 млрд. сўмни ташкил этди (10 та компаниянинг улуши – умумий ҳажмдан 76,8 фоиз).

Суғурта тўловлари ҳажми бўйича ҳам «Ўзагросуғурта»

ДАСК ва «Ўзбекинвест» ЭИСМК етакчилик қилди, уларнинг улуши тегишинча 18,9 фоиз ва 17,0 фоизни ташкил этди. «Ўзбекинвест Хаёт» ДСК учинчи ўринда, унда тўловлар ҳажми

9 355,8, улуши умумий ҳажмда 12,5 фоизни ташкил этди.

10 та йирик суғурта компанияси суғурта тўловлари улуши умумий ҳажмининг 87,3 фоизини ташкил этди.



1-жадвал.

Суғурта мажбуриятлари ҳажмининг динамикаси

	2013 йил январь-декабрь				2014 йил январь-декабрь			
	млрд. сўмда	якунига кўра фоизда	ЯИМга кўра фоизда	2012 й. январь-декабрига кўра фоизда	млрд. сўмда	якунига кўра фоизда	ЯИМга кўра фоизда	2013 й. январь-декабрига кўра фоизда
Суғурта мажбуриятлари, жами	161 580,4	100,0	135,8	151,0	240 519,7	100,0	166,0	148,9
Ихтиёрий суғурта	125 880,2	77,9	105,8	153,6	190 340,8	79,1	131,4	151,2
Мажбурий суғурта	35 700,2	22,1	30,0	142,3	50 178,9	20,9	34,6	140,6

2-жадвал.

Ўзбекистон суғурта компанияларининг суғурта мукофотлари ҳажмининг динамикаси

	2013 йил январь-декабрь				2014 йил январь-декабрь			
	млрд. сўмда	якунига кўра фоизда	ЯИМга кўра фоизда	2012 й. январь-декабрига кўра фоизда	млрд. сўмда	якунига кўра фоизда	ЯИМга кўра фоизда	2013 й. январь-декабрига кўра фоизда
Суғурта мукофотлари, жами	338,5	100,0	0,28	132,1	439,1	100,0	0,30	129,7
Ихтиёрий суғурта	235,5	69,6	0,20	131,6	300,7	68,5	0,21	127,7
Мажбурий суғурта	102,9	30,4	0,09	133,2	138,5	31,5	0,10	134,5

3-жадвал.

Ўзбекистон суғурта компанияларининг суғурта тўловлари ҳажмининг динамикаси


	2013 йил январь-декабрь				2014 йил январь-декабрь			
	млрд. сўмда	якунига кўра фоизда	ЯИМга кўра фоизда	2012 й. январь-декабрига кўра фоизда	млрд. сўмда	якунига кўра фоизда	ЯИМга кўра фоизда	2013 й. январь-декабрига кўра фоизда
Суғурта тўловлари, жами	66,9	100,0	0,06	153,4	74,6	100,0	0,05	111,5
Ихтиёрий суғурта	47,8	71,5	0,04	160,5	45,3	60,7	0,03	94,8
Мажбурий суғурта	19,1	28,5	0,02	138,1	29,3	39,3	0,02	153,6

4-жадвал.

Суғурта компаниялари кесимида суғурта хизматлари бозори тўғрисида 2014 йил якунлари бўйича маълумот

Суғурта компаниялари	Суғурта мукофотлари			Суғурта тўловлари		
	якунига кўра фоизда	ЯИМга кўра фоизда	2014 йил 2013 йилга нисбатан, фоизда	якунига кўра фоизда	ЯИМга кўра фоизда	2014 йил 2013 йилга нисбатан, фоизда
«Ўзагросуғурта» (АЖ) ДАСК	83 076,7	18,9	134,7	13 979,3	18,7	166,8
«Ўзбекинвест» ЭИСМК	60 710,4	13,8	137,6	12 710,2	17,0	47,4
«Кафолат» (АЖ) ДАСК	42 133,4	9,6	135,3	9 301,9	12,5	146,5
«Kapital Sug'urta» АЖ	26 622,1	6,1	142,7	4 206,0	5,6	131,9
«Alfa Invest» МЧЖ СТ	25 736,7	5,9	124,0	2 577,4	3,5	131,5
«Alskom» АЖ СК	24 724,0	5,6	133,3	2 020,2	2,7	158,5
«Asia Inshurans» МЧЖ СК	23 004,6	5,2	66,2	3 263,2	4,4	160,5
«Temiryo'l-Sug'urta» СК МЧЖ ҚҚ	17 594,7	4,0	128,5	921,2	1,2	96,6
«UVT Inshurans» МЧЖ СК	17 227,2	3,9	113,9	1 175,4	1,6	83,7
«O'zbekinvest Hayot» ШХТ СК	16 463,5	3,7	152,5	9 355,8	12,5	157,0
«Инго-Ўзбекистон» САЖ	13 168,3	3,0	143,9	2 368,8	3,2	119,7
«Agro Invest Sug'urta» АЖ	11 451,7	2,6	309,4	5 379,2	7,2	475,7
«Gross Insurance» МЧЖ	8 642,7	2,0	170,9	327,9	0,4	266,1
«Euroasia Insurance» СК МЧЖ ҚҚ	7 416,0	1,7	197,1	189,1	0,3	117,8
«Universal-Sug'urta» АЖ	7 291,6	1,7	102,9	878,4	1,2	57,5
«Sug'urta O'z» МЧЖ СК	6 715,5	1,5	107,1	236,8	0,3	112,7
«Xalq Sug'urta» МЧЖ СК	5 745,5	1,3	85,6	1 219,2	1,6	131,4
«iShONCh» БСК МЧЖ	5 326,1	1,2	112,1	1 265,4	1,7	156,3
«Global Insurance Group» МЧЖ СТ	4 134,4	0,9	218,5	34,9	0,0	30,7
«Mega Invest Insurance» МЧЖ СК	4 065,1	0,9	172,1	242,2	0,3	1 215,7
«Hamkor Sug'urta» МЧЖ	3 885,3	0,9	198,7	214,4	0,3	111,8
«Silk Road Insurance» СК АЖ	3 834,6	0,9	168,1	303,3	0,4	172,3
«Kafil sug'urta» МЧЖ	3 595,0	0,8	140,5	33,8	0,0	50,4
«DD-General Insurance» МЧЖ	3 049,4	0,7	134,5	395,2	0,5	131,2
«Garant Insurance Group» ШСК	2 912,3	0,7	152,8	95,5	0,1	346,0
«Asko-Vostok» МЧЖ	2 701,9	0,6	133,6	37,6	0,1	975,0
«Temiryo'l Life» МЧЖ ҚҚ	2 692,3	0,6	-	612,7	0,8	-
«Alfa Life» ШСК	2 351,6	0,5	226,5	1 106,1	1,5	153,0
«Мадад» АЖ	1 872,0	0,4	140,3	34,4	0,0	445,5
«Unipolis» МЧЖ	988,6	0,2	50,4	147,0	0,2	132,2
«Chartis Uzbekistan» СК МЧЖ ҚҚ	1,1	0,0	0,1	0,0	-	-
Жами:	439 134,1	100,0	129,7	74 632,6	100,0	111,5

DUNYOGA NIGOH



Жаҳон банки назоратни кучайтиради

«The Wall Street» нашрида ёзилишича, Жаҳон банки ташкилотнинг Хитой давлатини мувофиқлаштирувчи маъмуриятини текширишни режалаштирмоқда.

ЖБ раҳбарияти тахминига кўра, ташкилот томонидан ажратилган кредитлардан бирида манфаатлар тўқнашуви юзага келган. Банк ушбу ҳолат бўйича суриштирув ишларини юриштишга йирик юридик компаниялардан бирини ёллади.

лабки тахминларга кўра, Жаҳон банки Бош молиявий директори Бертран Бадре заёмни расмийлаштириш жараёнида айрим хатоликларга йўл қўйган бўлиши мумкин.

2014 йилда ХХР ривожланиши суст бўлган мамлакатларга молиявий ёрдам сифатида маблағ тўплайдиган лойиҳалар доирасида, Халқаро тараққиёт ассоциацияси (ХТА)га жўнатиш мақсадида Жаҳон банкига 1 млрд. АҚШ долларини ўтказган эди. Айни вақтда Хитой учун алоҳида кредит схемаси ташкиллаштирилган бўлиб, мамлакат Молия вазирлиги томонидан ХТАга 179 млн. АҚШ доллари миқдоридан грант ажратилган ва Ассоциация эса ушбу пул маблағини ЖБнинг бошқа бўлинмаси томонидан Хитойга ажратилган кредитни қоплашга йўналтирган.



Айни пайтда ташкилотчиларнинг таъкидлашича, «ходимлар томонидан қонунга зид фаолият юриштилиши бўйича гумонлар мавжуд эмас». Даст-

Греция яна ёрдамга муҳтож

Европа Марказий банки шошилиш моддий ёрдам дастури доирасида фавқулотда молиялаштириш мақсадида 68 млрд. АҚШ долларини Греция Марказий банкига ажратишни режалаштирмоқда.

«Bloomberg» агентлигининг маълум қилишича, шу йўл билан мамлакат Марказий банки кредитларнинг ликвидлигини таъминлай олади.

Молиялаштириш ишлари учун Греция облигацияларини олишни ЕМБ рад этганидан сўнг шундай қарорга келинди. ЕМБ вакиллари ҳозирча мазкур ҳолатга изоҳ беришмади.

Аввал хабар қилинганидек, зарурат туғилганда Греция банклари қўшимча равишда 10 млрд. евро миқдоригача бўлган маблағни фавқулотда молиялаштириш доирасида сўраб олишлари мумкин.

Янги санкциялар мажмуи

АҚШ ҳукумати ҳакерлик ҳужумига оид низодан сўнг Шимолий Кореяга нисбатан янги санкциялар мажмуини ишлаб чиқмоқда, дейилади Reuters хабарида.

Таъкидланишича, қўшимча санкциялар АҚШдан ташқари худудлардаги айрим жисмоний ва юридик шахслар манфаатига раҳна солади. Шу пайтга қадар жорий этилган санкциялар эса мамлакатдаги компанияларга таъсир кўрсатар эди.

Декабрь ойида Sony Pictures компанияси компьютерларига ҳакерлик ҳужуми содир этилган бўлиб, бунинг асосий сабаби сифатида Шимолий Кореянинг етакчиси Ким Чен Инга

уюштирилган тажовуз ҳақидаги «Интервью» фильми намойиши дея тахмин қилинмоқда. Америка ҳукумати ушбу ҳолатдаги айбни КХДРнинг зиммасига юклашмоқда.

Кейинроқ ФБР ҳам Шимолий Кореянинг айбини тасдиқловчи ҳулосаларни тақдим этди.

Аввалроқ эса АҚШ президенти Барак Обама учта компания ва ўнга яқин мансабдор шахсларга нисбатан санкция чорасини қўллаган эди.

Юаннинг қиймати мувофиқлаштирилмоқда

Хитой Халқ банки юаннинг АҚШ долларига нисбатан курсини 0,08 фоизга, яъни 6,1318 юанга оширди ва бу билан сармоя оқимининг ўзгарувчанлигини чеклашга ҳаракат қилди, дейилади Bloomberg хабарида.

Юаннинг бозор нархи расмий курсдан кўпи билан 2 фоизга фарқланиши кузатилган. Бироқ янги белгиланган қиймат – 6,1318 юан – савдо якунига бориб, ушбу фарқ

ҳукуматнинг миллий валютани халқаро даражага олиб чиқишга оид режасига тўсқинлик қилади.

Юқорида таъкидланганидек, яқин келажакда сармоя оқимининг



2,06 фоиздан ортишини кўрсатди. Бу эса сўнгги 21 ойдан буён кузатилмаган ҳолат эканлигидан далolatдир.

Маълум қилишларича, сармоя оқимининг ўзгарувчанлиги кўрсаткичи салбий томонга ўзгарган тақдирда бундан буён Халқ банки юан курсининг барқарорлигини сақлаш ишларига аралаштириш ваколатига эга бўлди.

– Шубҳасиз, Марказий банк юани мустаҳкамлаш йўлида юқори даражадаги фиксинг сиёсатини юритади, – дейди Bank of East Asia Ltd таҳлилчиси Кеникс Лай. – Хитой юаннинг кескин ва тез қадрсизланишидан манфаатдор эмас: бундай ҳолат

ўзгарувчанлиги салбий оқибатларга олиб келган вазиятда Халқ банки тегишли чора-тадбирларни қўллашга тайёргарлик кўрмоқда. Хусусан, ана шундай тадбирлардан бири юан валюта коридорини кенгайтириш бўлса, яна бири фиксингни тузатиш йўли билан нисбатан паст қийматларни белгилаш ҳисобланади.


– Юаннинг қадрсизланиши аслида Хитой иқтисодиёти учун ижобий таъсир кўрсатади, гарчи бир қарашда бундай ҳолат салбий оқибатларга олиб келадигандек кўринса-да, – дейди Хитой Халқ банки собиқ маслаҳатчиси Юй Юндин.

Таваккалчилик даражаси ҳамон юқори

Европа иқтисодиёти тараққиёт истиқболи яхшиланди, бироқ таваккалчилик даражаси ҳамон юқори даражада бўлиб қолмоқда. Бу ҳақида Европа комиссиясининг қишқи иқтисодий шарҳида маълумот берилган.

Тахмин қилинишича, ЕИнинг бу йилги иқтисодий ўсиш кўрсаткичи 1,7 фоизни, еврохудудда эса 1,3 фоизни ташкил этади ва 2016 йилга бориб, ушбу кўрсаткичлар 2,1 ва 1,9 фоизга ўзгариши кутилмоқда. Шунга қарамай, истиқболдаги ўсиш ҳанузгача нозик инвестицион муҳит ва юқори даражадаги ишсизлик хавфи остида қолмоқда.

ЕИдаги инфляция даражаси 2015 йилда 0,2 фоиздан иборат бўлса, 2016 йилга бориб ушбу кўрсаткич 1,4 фоизга тўғри келиши башорат қилинмоқда. Еврохудудда дефляция даражаси 2015 йилда 0,1 фоизга, 2016 йилга бориб эса 1,3 фоизга тенг бўлиши кутилапти.



Меҳнат бозорида олиб борилаётган ислохотлар натижасида 2015 йилда ЕИда ишсизлик даражаси 9,8 фоизни, еврохудудда эса 11,2 фоизни ташкил этиши белгиланган. Бюджет тақчиллиги қисқаришда давом этади: 2015 йилда ЕИда ЯИМ 2,6 фоизга, 2016 йилда 2,2 фоизга камайиши, еврохудудда эса 2,2 ва 1,9 фоизга камайиш кузатилиши тахмин қилинмоқда.

Европа комиссиясининг таъкидлашича, Европа иқтисодиётининг истиқболдаги мавҳумлигига геосиёсий тигизликлар, молия бозорининг ўзгарувчанлиги, ЕИ мамлакатларининг пул-молия сиёсатидаги номуаносибликлар ҳамда тузилмавий ислохотларнинг ижросидаги муаммолар сингари омиллар таъсир кўрсатди.

● Маънавиятимиз сарчашмалари

Улуғ сиймо ҳамиша эъзозда

Жорий йилнинг 14 феврида улуғ шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудига 532 йил тўлади.



Бобур ўз асарлари билан ўзбек адабиёти ва тили ривожига, юксалишига, содда-лаштиришга ва жонли сўзлашув тилига яқинлаштиришга муносиб ҳисса қўшган. Ўзбек тили тарихини ўрганишда «Бобурнома» бебаҳо хазина ҳисобланади.

Инглиз олими Уильям Эрскин «Бобурнома» асарининг дунё миқёсида танилиши борасида қуйидагиларни билдиради: «Бобур бирор шахс ҳақида фикр юритадиган бўлса, унинг шакл-шамойили, кийиниши, диди, одатларини шундай ҳаққоний тафсилотлар билан тасвирлаб берадики, худди биз бу

одамни ҳаётда кўргандек, у билан бирга яшагандай бўламиз. Бобур ўз кўзи билан кўрган мамлакатлар манзарасини, иқлимни, ўзига хос ҳаёт тарзини, саноати ва иқтисодини, санъат обидаларини шунчалик аниқ ва тугал тасвирлаб берганки, махсус шу жойларни кезган сайёҳлар ҳам улар ҳақида бунчалик мукамал тасаввур бера олмасалар керак».

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижоди серқирра ва ўзига хослиги билан ажралиб туради. Чунки нафақат бадиий, балки илмий ва ижтимоий асарлар ҳам ёзган. Масалан, унинг солиқ ишлари ҳақида маълумот берувчи «Мубаййинул-закот» (1521 й.), аруз вази ҳақидаги «Рисолаи аруз» (1523-25 й.) каби асарлари шулар жумласидандир. Шоирнинг лирик мероси гўзал ва мукамаллиги билан ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Лирик мероси «Қобул девони»га (1519 й.), 1528-29 йилларда «Ҳинд девони»га жамланган. Тўлиқ девон тузгани ҳақида ҳам маълумотлар бор. Бобур 400 дан ортиқ шеърларни ав-

лодларга мерос қилиб қолдирган. Уларнинг 119 таси ғазал, 231 таси рубоий ва туюқ, қитъа, фард, маснавийлардир.

Бобур қадами етган жойларда, албатта, бунёдкорлик ишларига ҳам қўл урилган. «Боғи Наврўзий», «Бўстонсарой», «Чорбоғ», «Боғи Бехиштий», «Боғи Нур» ва шу каби ажойиб бетакрор боғларнинг Бобур бошчилигида барпо этилгани юқоридаги гапларнинг тасдиғидир.

Истиқлол йилларида халқимизнинг умрбоқий қадриятлари, анъаналарини қайта тиклаш, хусусан, улуғ аждодларимизнинг ҳаёти ва ижоди, бой маънавий меросини чуқур ўрганиш ва тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бобурнинг бой маънавий меросини тарғиб этувчи маълумотлар ва расмлар билан тўлдирилган, 744 саҳифали Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедиясининг 2014 йилда омма эътиборига тақдим этилгани ана шундай ишларнинг самарасидир.

ЭРКИН ОЧИЛОВ.

Солиқларни тўлаш учун янги имконият

Давлат солиқ кўмитаси томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланган ҳолда тадбиркорлик субъектлари ва фуқароларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида жорий йилдан бошлаб солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни банкка бормасдан «Click» ва «Mbank» тўлов тизимлари ёрдамида мобиль телефон ёки интернет орқали онлайн режимда тўлаш имконияти яратилди.

Ушбу тўлов тизимларидан фойдаланиш фуқаролар учун бепул ва амалга оширилган тўловлар учун комиссия тўлов олинмайди. Шунингдек, тўланган солиқлар ҳақидаги маълумотлар солиқ тўловчиларнинг шахсий карточкаларига автоматик равишда қайд қилинади.

Ўзбекистон Республикасидаги барча тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган «Online-UZCARD» пластик карталарини сақловчилар картага хизмат кўрсатувчи банкда ёки хоҳлаган банкомат ҳамда инфокиоскда «UZCARD» СМС-хабарнома хизматини ўз мобиль телефонларига улатишлари мумкин. Шундан кейин, қуйидаги бепул USSD сўро-

вини СМС-хабарнома уланган мобиль телефондан юбориш орқали «Online-UZCARD» пластик картани тизимга улаш лозим бўлади. *880*0*карта рақами*амал қилиш муддати#, бунда карта рақами – бу пластик картанинг рақами (кارتанинг ўзида кўрсатилган) (16 та рақамдан иборат). Амал қилиш муддати – картанинг амал қилиш муддати тугайдиган сана (картада кўрсатилган – 4 та рақамдан иборат, масалан 1216). Ундан кейин, «PIN-kod» ўрнатиш лозим. Ушбу код келгусида пластик картадан амалга ошириладиган тўловларни тасдиқлаш учун керак бўлади.

«Туркистон-пресс» НАА.

Суратларда юрт манзаралари

Тошкент Фотосуратлар уйида ушбу муассаса ҳузуридаги ижодий мактаб-студия битирувчиларининг навбатдаги кўргазмаси очилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори асосида ташкил этилган кўргазмада ижодий ташкилотлар вакиллари, санъатшунослар, мусаввирлар, фотоижодкорлар, санъат ихлосмандлари иштирок этди.

Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида ёшлар истеъдодини юзага чиқариш, уларнинг самарали ижод қилиши учун зарур шароит яратиш, меҳнатини муносиб рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётир.



Ижодий мактаб-студия мана, саккиз йилдирки, фото санъатига қизиқувчи ёшларга амалий машғулотларда иштирок этиб, ўз билимларини мустаҳкамлаш, тенгдошлари ижоди билан яқиндан танишиш, тажриба ал-

машиш имконини бермоқда.

Бу галги кўргазмада ўн тўрт нафар ҳаваскорнинг юртимизнинг бетакрор табиати, маданияти, санъати, самимий ва меҳнатсевар одамлари акс этган икки юзга яқин ижодий иши намойиш этилмоқда.

– Тўрт йилдан буён фотоижодкорлик билан шуғулланаман, – дейди Зебунисо Турғунхўжаева. – Кўргазмада миллий анъана ва қадриятларимиз акс этган ижодий ишларим намойиш этилганидан гоё хурсандман. Ус-



тозларим ва ёш ижодкорларнинг асарларидаги ранг-баранглик, услубий ёндашувларнинг ёрқин ифодаси мени янада самарали ижод қилишга ундамоқда.

ЎЗА материали ва фотосуратлари асосида.

ЭЪЛОН

«Кафолат» ДАСК АЖнинг Юнусобод тумани бўлими томонидан берилган КФ 1347341 рақамли ТВЭФЖМС суғурта полиси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНДИ.

Хизматлар лицензияланган.

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ХАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

«Norma» МЧЖ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР

Акмал НАЗАРОВ

Нашр учун масъул

Анвар АСРОРОВ

ЧОП ЭТИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ

Газета «Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖнинг компьютер базасида саҳифаланди

АХБОРОТ КЎМАГИ

ЎЗА, «Туркистон-пресс» НАА

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100084, Тошкент ш.,

Ф. Мавлонов кўчаси,

1а-уй, 3-кават.

e-mail: info@banknews.uz

www.banknews.uz

Реклама ва эълонлар учун
234-43-18

телефони орқали мурожаат қилинг.

Юридик шахслар учун нашр индекси – 102.

Жисмоний шахслар учун нашр индекси – 377.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан «Банк ахборотномаси»да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилмайди.

Кўлөзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чоп этилади.

Буюртма № 2010
Адади: 10191 нуска.
Нархи шартнома асосида.
Газета АЗ ҳажмда, 3 шартли босма табақда чоп этилди.
Босишга рухсат этилди: 10.02.2015 й.